XALQ DEPUTATLARI ANDIJON VILOYATI KENGASHINING QARORI

Andijon shahar, Abdurauf Fitrat ko`chasi 239-uy

2021 - yil 30 - dekabr VI-31-39-1-0-K/21 Andijon viloyati hokimligi

2022 йил учун Андижон вилоятининг вилоят бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни, Бюджет кодексининг 99-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 01/20-01-32/834-сонли хатини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-, 24-моддаларига асосан халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро ва раҳбарлик учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-742-сон Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Андижон вилояти маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 3059,4 млрд.сўм, харажатлари 4741,6 млрд.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 1682,3 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2022 йил учун Андижон вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023-2024 йилларга мақсадли мўлжаллари 1-иловага мувофиқ, 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. 2022 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан

ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда Андижон вилояти бўйича Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2022 йил учун туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози тасдиқланганлиги 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 16,5 млрд. сўм миқдорида белгилансин.

Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2022 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Андижон вилояти вилоят бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджетларнинг захира жамғармалари миқдорларига аниқлаштириш киритилмаслиги белгилансин.

9. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10.Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларини маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;

давлат мулкини ижарага беришдан тушумлар;

айланмадан олинадиган солиқ.

Мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туманлар ва шаҳарлар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ.

б) вилоятнинг вилоят бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

давлат активларини жойлаштиришдан, сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича олинган даромадлар.

в) вилоят бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бундан мустасно) 75 фоизи вилоят бюджетига, қолган 25 фоизи тегишли туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига йўналтирилади.

11. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Турсунов, Молия бош бошқармаси (С.Рахманов), Давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, масъул бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджетлар прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлари базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

12. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов)га ҳудудий солиқ органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал солиқ назорати

тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратиш ҳамда хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

13. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Бердиқулов) 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1 кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини таъминласин.

14. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов), Вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси (Ж.Каримов), Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Бердиқулов), Андижон вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (А.Акбаров) “Саноатгеоконтехназорат” Давлат инспекцияси (Ш.Ғойибердиев) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда:

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерларни аниқлаш бўйича хатловлар ўтказиш;

хатлов натижалари бўйича аниқланган ноқонуний фаолият олиб бораётган карьерлар фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда уларни солиқ базасига қамраб олиш;

норуда қурилиш материалларини қазиб олиш соҳасида фаолият олиб бораётган карьерлар томонидан қазиб олинаётган норуда қурилиш материаллари ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

Бунда, ушбу соҳада фаолият олиб бораётган карьерларнинг қазиб олиш ҳажмларини доимий таҳлил қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда қазиб олиш ҳажмларини аниқлашда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан “маркшейдрлик” хизматларидан фойдаланиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилсин.

15. Мажбурий ижро бюроси Андижон вилоят бошқармаси (Қ.Джалилов)га вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд қарздорликларни бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

16. Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси (М.Нишанов), туманлар ва

шаҳарлар ҳокимликлари жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

17. Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Алимжанов)га Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси (П.Муратов) билан биргаликда:

бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш бўйича хатлов ишларини самарали ташкил этиш;

хатлов натижаларига кўра вилоятда мавжуд бўш турган давлат мулки объектлари рўйхатини шакллантириш;

шакллантирилган рўйхатга асосан бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича тегишли таклифлар тайёрлаш;

бўш турган давлат мулки объектларини ижарага бериш ёки сотиш бўйича ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида роликлар ва видео-материаллар тайёрлаш;

хусусийлаштирилиши мўлжалланган бўш турган давлат мулки объектларини «E-IJRO Auksion» электрон савдо майдончаси орқали сотиш ишларини ташкиллаштириш вазифаси юклатилсин.

18. Давлат активларини бошқариш агентлиги Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси (А.Алимжанов), вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов), вилоят молия бош бошқармаси (С.Рахманов) давлат корхоналари ҳамда устав капиталида 50 фоиз ва ундан ортиқ давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахслар томонидан 2022 йилнинг 1 июлига қадар 2021 йил якунлари бўйича ўз соф фойдасининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги ажратмалар ва давлат улуши бўйича дивидендларни 2022 йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай тегишли даражадаги бюджетларга ўтказилишини таъминласин.

19. Монополияга қарши курашиш қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси (Ш.Хайдаров) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда ташқи реклама объектларини тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ушбу ташқи реклама объектлари бўйича шартномалар тузиш чораларини кўрсин ҳамда ушбу шартномалар бўйича йиғимларни бюджетга тўланиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

20. Норин-Қорадарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Х.Хамидов) ва вилоят давлат солиқ бошқармаси (Р.Насимов)га туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда вилоятда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

21. Вилоят ички ишлар бошқармаси (А.Рахматуллаев), Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси (С.Зингиров), Давлат хизматлари агентлиги вилоят бошқармаси (О.Бозаров) ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

22. Давлат Молиявий назорати Андижон вилоят бошқармаси (А.Камалов), Халқ таълими, Мактабгача таълим ва Соғлиқни сақлаш бошқармаларининг Ички аудит хизматлари билан биргаликда:

бюджет интизомига қатъий риоя этилиши устидан доимий мониторинг ишларини кучайтирсин;

бюджет интизомини бузиш ҳолатлари бўйича ҳар ой якуни билан Кенгашга ахборот киритиб борсин;

ўтказилган назорат тадбирлари якуни бўйича камомад ва ноқонуний ўзлаштиришга йўл қўйган соҳа раҳбарларининг ҳисоботи ҳар чоракда эшитиб борилсин.

23. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш ва натижалари бўйича тавсиялар бериш мақсадида мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатларининг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

24. Туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари:

туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, Вилоят, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул

этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимликларнинг расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

25. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Турсунов, халқ депутатлари вилояти Кенгаши котибияти, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, тегишли бошқарма бошлиқлари:

маҳаллий бюджетлар даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

26. Вилоят ҳокимлигининг матбуот хизмати (Э.Матисақов) қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.

27. Мазкур қарор “Андижоннома” ва “Андижанская правда” (Р.Эшонов) газеталарида расмий эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

28. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

29. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Турсунов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Ш.Абдураҳманов**

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-31-39-1-0-K/21-сон қарорига
1-илова

2022 йил учун Андижон вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023-2024 йилларга мақсадли мўлжаллари

№	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз	Мақсадли мўлжаллар	
			2023 йил	2024 йил
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	44 239,4	57 010,6	64 505,5
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	103,2	107,2	107,0
3.	Истъемол нархлари индекси, аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	10,1	9,7	9,1
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	101,8	106,3	107,0
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	103,2	102,6	102,8
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	104,3	104,2	104,8

Халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-31-39-1-0-K/21-сон қарорига
2-илова

2022 йил учун Андижон вилоятининг вилоят бюджети даромадлари прогнози

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Сумма
1	Фойда солиғи	182 348 000,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	890 874 000,0
3	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	231 116 000,0
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	55 025 000,0
5	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	97 541 000,0
6	Давлат божлари	185 826 000,0
7	Жарималар	53 492 000,0
8	Давлат корхоналари соф фойдасидан даромадлар	17 751 000,0
9	Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушумлар	25 000 000,0
10	Йиғимлар	99 672 000,0
11	Бошқалар	1 386 000,0
ЖАМИ		**1 840 031 000,0**
Республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар		1 682 267 537,0
Ҳамма даромадлар		**3 522 298 537,0**

Халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-31-39-1-0-K/21-сон қарорига
3-илова

2022 йил учун Андижон вилоятининг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	Сумма
	Харажатлар миқдори, Жами	**3 522 298 537,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 289 825 806,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**380 385 114,0**
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**1 852 087 617,0**
1	**Халқ таълими бошқармаси**	**399 449 215,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	263 168 760,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	136 280 455,0
2	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**88 322 474,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	12 882 474,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	75 440 000,0
3	**Ўрта махсус касб ҳунар таълим бошқармаси**	**1 160 881,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 160 881,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**571 656 000,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	509 106 000,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	62 550 000,0
5	**Маданият бошқармаси**	**20 260 838,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	20 260 838,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**10 293 608,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 293 608,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

7	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**13 360 888,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 255 888,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	11 105 000,0
8	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси**	**251 921 643,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	251 921 643,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9	**Пилла ва қоракўлчиликни ривожлантириш бошқармаси**	**150 433,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	150 433,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
10	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**2 473 244,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 473 244,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11	**Транспорт департаменти**	**3 063 439,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 063 439,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12	**Ўсимликлар карантини инспекцияси**	**10 966 119,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 966 119,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**6 872 589,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 872 589,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14	**Инвестициялар бош бошқармаси**	**9 988 973,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 988 973,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15	**Туризмни ривожлантириш департаменти**	**32 625 841,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	32 625 841,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16	**Ветеринария бошқармаси**	**5 331 711,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 331 711,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

17	**Меҳнат бош бошқармаси**	**1 606 322,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 606 322,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18	**Қурилиш бош бошқармаси**	**2 406 927,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 406 927,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19	**Адлия бошқармаси**	**8 753 669,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	8 753 669,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20	**Иктисодиёт ва худудларни комплекс ривожлантириш бош бошкармаси**	**13 204 681,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	13 204 681,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21	**Молия бош бошқармаси**	**1 867 190 193,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	15 102 576,0
	иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар миқдорларини ва айрим хизмат турлари бўйича тарифларни ошиши билан боғлиқ харажатлар	0,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	1 852 087 617,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22	**Ғазначилик бошқармаси**	**7 661 223,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 661 223,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23	**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳудудий бошқармаси**	**14 525 621,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	14 525 621,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
24	**Ёшлар агентлиги ҳудудий бўлинмалари**	**6 316 418,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 316 418,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25	**Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш**	**1 234 503,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 234 503,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26	**Махсус экспулатация монтаж бўлими**	**7 008 762,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 008 762,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
27	**Давлат ҳокимият органлари**	**129 198 945,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	34 189 286,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	95 009 659,0
28	**Ижтимоий мослашув марказлари**	**2 352 731,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 352 731,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29	**Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**1 743 695,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 743 695,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
30	**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси**	**2 036 410,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 036 410,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31	**Давлат архив бошқармаси**	**2 382 320,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 382 320,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
32	**Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	**1 508 385,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 508 385,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33	**Монолияга карши курашиш бошкармаси**	**1 540 915,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 540 915,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34	**Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат килиш инспецияси Андижон вилояти бошкармаси**	**6 680 339,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 680 339,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

35	**Андижон вилояти сайлов комиссияси**	**56 139,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	56 139,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36	**Бошқа ташкилотлар**	**16 992 443,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	16 992 443,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-31-39-1-0-K/21-сон қарорига
4-илова

2022 йил учун умумдавлат солиқлари ва мажбурий тўловлардан шаҳарлар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратмалар меъёри*

Фоиз ҳисобида

Т/Р	Шаҳар ва туманлар номи	Фойда солиғи	Айланмадан олинадиган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, шу жумладан қатъий белгиланган солиқ	Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно	Якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиғи	Қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	Йиғим-лар**	Давлат божлари**	Жарима-лар**	Давлат корхоналари соф фойдасидан даромадлар, шу жумладан давлат улушига ҳисобланган дивиденслар	Давлат мулкини ижарага беришдан тушумлар	Бошқа (3450603, 3450721, 3450723, 3450950, 3450951, 3511700, 3710303 дорамад кодлари бўйича) тушумлар
1	Хонобод шаҳри	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
2	Андижон шаҳри	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
3	Андижон тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
4	Балиқчи тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
5	Бўстон тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
6	Булоқбоши тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
7	Жалақудуқ тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
8	Избоскан тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
9	Улуғнор тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
10	Кўрғонтепа тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
11	Асака тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
12	Марҳамат тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
13	Олтинкўл тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
14	Шаҳрихон тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
15	Пахтаобод тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100
16	Хўжаобод тумани	0	100	25	100	100	100	100	0	0	100	0	0	0	0	0	100	100

*Мазкур иловада кўрсатилганидан ташқари қолган барча тушумлар вилоят бюджетига ўтказилади

**Давлат божлари, жарималар ва йиғимларнинг айрим турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тегишли бюджетларга ажратма қилиниши мумкин

Халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-31-39-1-0-K/21-сон қарорига
5-илова

2022 йил учун туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатлари прогнозлари

минг сўмда

№	Ҳудудлар номи	Даромадлар*	Харажатлар
	ЖАМИ	**1 219 332 000,0**	**3 071 419 617,0**
1	Хонобод шаҳри	19 817 390,0	58 523 922,0
2	Андижон шаҳри	272 930 310,0	314 035 350,0
3	Андижон тумани	88 470 640,0	214 766 859,0
4	Балиқчи тумани	65 824 150,0	211 006 200,0
5	Бўстон тумани	26 560 030,0	100 187 401,0
6	Булоқбоши тумани	49 385 350,0	151 946 562,0
7	Жалақудуқ тумани	61 234 920,0	182 723 283,0
8	Избоскан тумани	73 421 100,0	233 209 201,0
9	Улуғнор тумани	26 090 230,0	95 772 226,0
10	Қўрғонтепа тумани	75 647 600,0	222 150 528,0
11	Асака тумани	136 101 170,0	308 748 587,0
12	Марҳамат тумани	57 056 390,0	186 862 298,0
13	Олтинкўл тумани	60 541 670,0	175 451 855,0
14	Шаҳрихон тумани	93 011 230,0	264 985 026,0
15	Пахтаобод тумани	60 531 820,0	222 599 480,0

16	Хўжаобод тумани	52 708 000,0	128 450 839,0

* Мобиль алоқа хизмати, тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғи тушумларидан ажратиладиган маблағларни инобатга олган ҳолда

Халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-31-39-1-0-K/21-сон қарорига
6-илова

2022 йил учун Андижон вилоятининг вилоят бюджетидан туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

№	Ҳудудлар номи	Сумма
	ЖАМИ	**1 852 087 617,0**
1	Хонобод шаҳри	38 706 532,0
2	Андижон шаҳри	41 105 040,0
3	Андижон тумани	126 296 219,0
4	Балиқчи тумани	145 182 050,0
5	Бўстон тумани	73 627 371,0
6	Булоқбоши тумани	102 561 212,0
7	Жалақудуқ тумани	121 488 363,0
8	Избоскан тумани	159 788 101,0
9	Улуғнор тумани	69 681 996,0
10	Қўрғонтепа тумани	146 502 928,0
11	Асака тумани	172 647 417,0
12	Марҳамат тумани	129 805 908,0
13	Олтинкўл тумани	114 910 185,0
14	Шаҳрихон тумани	171 973 796,0
15	Пахтаобод тумани	162 067 660,0
16	Хўжаобод тумани	75 742 839,0

Халқ депутатлари Андижон вилоят
Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-31-39-1-0-K/21-сон қарорига
7-илова

2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети ҳамда туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетлари айланма касса маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдорлари

минг сўмда

№	Ҳудудлар номи	Сумма
	ЖАМИ	**21 714 000,0**
	Вилоят бюджети	**6 817 000,0**
1	Хонобод шаҳри	300 000,0
2	Андижон шаҳри	1 916 000,0
3	Андижон тумани	1 046 000,0
4	Балиқчи тумани	887 000,0
5	Бўстон тумани	458 000,0
6	Булоқбоши тумани	727 000,0
7	Жалақудуқ тумани	907 000,0
8	Избоскан тумани	997 000,0
9	Улуғнор тумани	507 000,0
10	Қўрғонтепа тумани	1 023 000,0
11	Асака тумани	1 550 000,0
12	Марҳамат тумани	859 000,0
13	Олтинкўл тумани	819 000,0
14	Шаҳрихон тумани	1 229 000,0
15	Пахтаобод тумани	1 072 000,0
16	Хўжаобод тумани	600 000,0